

«30» ноябрь 2017 йил
№10/418-3034/1

ХАТБ “Универсал банк” акциядорларига

**ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ “УНИВЕРСАЛ БАНК”
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Банк Уставига асосан Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган (электрон почта манзили - info@universalbank.uz, treasury@universalbank.uz) **Хусусий акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк” Сизга 2017 йил 11 декабрь куни соат 12-00 да Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар беради.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун банк акциядорлари реестри 2017 йил 27 ноябрь ҳолатига тузилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга банк акциядорлари реестри 2017 йил 4 декабрь ҳолатига тузилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгаши таркибини сайлаш.
2. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Йиғилиш қатнашчилари 2017 йил 11 декабрь куни соат 11-00 дан 11-55 гача рўйхатга олинади. Акциядорлар ҳамда уларнинг вакиллари йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида қатнашади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар билан Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида танишишингиз мумкин. Маълумот учун Банкнинг Ғазначилик, қимматли қоғозлар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар департаментига мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат учун телефон: (0-373) 229 – 82 – 29, ички рақам 1073.

Ҳурмат билан,

Бошқарув Раиси

Тўрақулов З.К.



Бош банк
150700, Ўзбекистон Республикаси,
Қўқон ш. Шохрухобод кўчаси
E-mail: info@universalbank.uz
www.universalbank.uz

Bosh bank
150700, O'zbekiston Respublikasi,
Qo'qon sh. Shoxruxobod ko'chasi
E-mail: info@universalbank.uz
www.universalbank.uz

Тел.: +998 73 229 82 29
Факс: +998 73 542 05 78